

5/2022,
sentyabr-
oktyabr
(№ 00061)



ТЕКИН ОЛИНГАН МОЛ-МУЛК (ХИЗМАТЛАР)ГА СОЛИҚ СОЛИШ МАСАЛАСИ ХУСУСИДА

Иминохунов Абдуқаххор Абдувоитович

ORIENTAL Университети проректори. Тошкент, Ўзбекистон.

Алмардонов Мухамади Ибрагимович

ORIENTAL Университети профессори, и.ф.д. Тошкент, Ўзбекистон.

Камолов Одилжон Сайфиддинович

ORIENTAL Университети доценти и.ф.н. Тошкент, Ўзбекистон.

odiljonuzb@gmail.com

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss5/a34

Аннотация

Мақолада «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси» талаблари асосида солиққа тортиш амалиётида давлат иқтисодий ҳавфсизлиги ва корпоратив солиқларни мукамаллаштириш вазифаларини мувофиқлаштириш, хуфёна иқтисодий қисқартиришнинг солиқ дастаклари аҳамиятини ошириш, амалда юзага келган ҳолат, зарурият юзасидан текинга олинган мол-мулк (хизматлар)га солиқ солиш масалаларининг мунозарали жиҳатларига ҳуқуқий-солиқ маслаҳатлари-тавсиялари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар:

мол-мулк, кўрсатилган хизматлар, текинга олинган мол-мулк (хизматлар), жами даромад, фойда солиғи, текинга олинган мол-мулкни баҳолаш, текинга олинган мол-мулкка солиқ солиш.

Аннотация

В статье на основе новых требований «Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» в практике налогообложения исследуются вопросы согласования государственной экономической безопасности и задач оптимизации корпоративных налогов, вопросы повышения значения налоговых рычагов сокращения теневой экономики, исследованы вопросы правовой и налогово-консультационной поддержки и рекомендации юридическим лицам безвозмездно получившим имущество (полученные услуги).

Ключевые слова: имущество, оказанные услуги, безвозмездно полученное имущество (услуги), общий доход, налог на прибыль, оценка безвозмездно полученного имущества, налогообложение безвозмездно полученного имущества.

Abstract

In the article, based on the new requirements of the "Development Strategy of New Uzbekistan for 2022-2026" in the practice of taxation, the issues of harmonizing state economic security and the tasks of optimizing corporate taxes, the issues of increasing the value of tax levers for reducing the shadow economy, the issues of legal and tax advisory support and recommendations to legal entities that received property (services received) free of charge.

Keywords: property, services rendered, property (services) received free of charge, total income, income tax, assessment of property received free of charge, taxation of property received free of charge.

Кириш

Жаҳон иқтисодиётида бугунги кунда солиқларни мукамаллаштиришга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар тадқиқи билан бир қаторда кескин рақобат муҳити, инновацион тараққиёт, молиявий технологиялар қўлланиши доирасининг кенгайиб бориши натижасида бизнес қийматини ошириш ва корхона молиявий барқарорлигини бошқариш тизимининг шаклланиши ва самарали фаолиятини таъминлашга қаратилган юзасидан илмий изланишлар ҳам амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда солиққа тортиш амалиётида давлат иқтисодий ҳавфсизлиги ва корпоратив солиқларни мукамаллаштириш вазифаларини мувофиқлаштириш, хуфёна иқтисодиётни қисқартиришнинг солиқ дастаклари аҳамиятини ошириш, амалда юзага келган ҳолат, зарурият юзасидан текинга олинган мол-мулк (хизматлар)га солиқ солиш масалаларининг мунозарали жиҳатлари, бу жараённинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасидаги муҳим масалалардан бирига айланди.

Сўнгги беш йиллик ислоҳотларнинг натижасида мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди[1].

Умуман, Ўзбекистон Республикасида солиқ тизими модернизациясининг ҳозирги босқичида солиққа тортиш амалиётида давлат иқтисодий ҳавфсизлиги ва корпоратив солиқларни мукамаллаштириш вазифаларини мувофиқлаштириш, хуфёна иқтисодиётни қисқартиришнинг солиқ дастаклари аҳамиятини ошириш, амалда юзага келган ҳолат, зарурият юзасидан текинга олинган мол-мулк (хизматлар)га солиқ солиш масалаларининг мунозарали жиҳатларининг махсус, мустақил тадқиқот объекти сифатида етарли даражада ўрганилмаганлиги танланган мазкур илмий мақола мавзусининг долзарблигини ва илмий-амалий аҳамиятга эга эканлигини белгилаб беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Классик иқтисодий ва молиявий назарияларда давлат иқтисодий ҳавфсизлиги ва корпоратив солиқларни мукамаллаштириш вазифаларини мувофиқлаштириш мақсадларининг мазмуни кўп жиҳатдан унинг шакли ёки модели билан белгиланади, бу тадқиқотларда, шу жумладан ҳозирги кундаги тадқиқотларда ҳам кенг акс этади[3].

Иқтисодиёт назариясида солиқ фанининг шаклланиш босқичидаги давлат иқтисодий ҳавфсизлиги ва корпоратив солиқларни мукамаллаштириш вазифаларини мувофиқлаштиришга қаратилган солиқ сиёсати моделларининг турлари босим билан кўпроқ боғланган иқтисодиётнинг солиқ юки (солиқ юки), бунга боғлиқ ҳолда қўйидагилар ажратилди: 1 - максимал солиқ сиёсати модели; 2 – минимал солиқ сиёсати модели; 3 - оқилона солиқ сиёсати модели.

Санаб ўтилган моделлар Дж.Кейнс ва А.Лаффер. асарларида ўз асосларини топди. Дж.Кейнс[4] моделнинг биринчи турини – биринчи навбатда фискал мақсадларни кўзловчи *максимал солиқлар сиёсати*ни тавсифлаган.

Бу модел учлик хусусиятига эга: иқтисодиёт ва аҳоли учун юқори солиқ юки; давлатнинг иқтисодиётни ривожлантиришга, шу жумладан бюджет инвестициялари

орқали фаол аралашуви; ижтимоий соҳани сақлаш ва ривожлантиришга давлат харажатларининг паст даражаси. А.Лаффер[5] *минимал солиқ сиёсати* моделининг, тўғрироғи, унинг тартибга солувчи турининг асосчиси ҳисобланади.

Тартибга солиш тури модели иқтисодиётга солиқ юкининг даражаси минимал мумкин бўлганлиги билан тавсифланади, давлат ва солиқ тўловчиларнинг манфаатларини ҳисобга олади, лекин давлат бир вақтнинг ўзида инвестициялар ва ижтимоий дастурларга ўз харажатларини камайтиради. Минимал солиқ моделининг яна бир тури – *фискал рақобатбардошлик* – миллий иқтисодиётнинг “ташқи иқтисодий агентлар, биринчи навбатда, трансмиллий компаниялар бошқарув органларининг юрисдикциясини бошқа жойга кўчириш ва уларни ўзларининг солиқ резидентларига айлантириш”га йўналтирилганлиги билан боғлиқдир[6]. Бошқача қилиб айтганда, давлат бюджет харажатларини кўпайтирмасдан бюджетга қўшимча солиқ тушумларини олишга интилади. Ушбу модел оффшор-мамлакатларда кенг қўлланилади.

Оқилона солиқ сиёсати модели замонавийроқ, юқори ривожланган мамлакатлар учун хосдир. Моделнинг энг муҳим хусусиятлари - бу иқтисодиётга солиқ юкининг мувозанатли даражаси ижтимоий харажатларни этарли даражада қўллаб-қувватлаш. “Оқилона солиқлар сиёсати юқорида айтиб ўтилган икки шакл ўртасида маълум бир мурса бўлиб, солиқ юкининг етарли даражада мувозанатли даражаси билан тавсифланади, бу эса иқтисодиётни ривожлантириш ва шу билан бирга сезиларли даражада ижтимоий харажатлар орқали солиқ юкини бостиришга имкон бермайди. Бундай сиёсат ижтимоий-иқтисодий ўсиш даврига хос бўлиб, бу сиёсатнинг мақсадларига фискал, иқтисодий ва ижтимоий киради»[7].

Оқилона солиқ сиёсати моделининг тамойиллари солиқ тўловчилар ва солиқ органлари томонидан риоя этилувчи муҳим талаблар ва шарт-шароитлар йиғиндисини ифодалайди (1-расм).

Иқтисодий тамойиллар;

Хуқуқий тамойиллар;

Ташкилий тамойиллар;

Ахлоқ тамойиллари;

Бюджет учун тахмин кила олишлик;

Солиқнинг сўзсиз тўланувчанлиги

*Хорижий ва ўзбек
иқтисодчи-олимлари
фикрича*

*Муаллифлар томонидан
таклиф этилганлари*

1-расм. Оқилона солиқ сиёсати моделининг тамойиллари*.

Солиққа тортишнинг мавжуд тамойилларини қуйидаги 4 гуруҳга бирлаштириш мумкин:

1. **Иқтисодий тамойиллар** - бозор иқтисодиёти амал қилишининг муҳим қоидаларига ва Конституцияда белгиланган фуқаролик жамияти хуқуқларини жорий этишга асосланувчи ҳолатлар.

2. **Хуқуқий тамойиллар** – бутун солиқ тизимини, унинг соҳалари ва хуқуқ институти моҳиятини ифодаловчи амалда қўлланилаётган хуқуқий низомлар.

3. **Ташкилий тамойиллар** – солиқ тизими шаклланиши ва унинг бўғинлари таркибий яхлитлигини таъминловчи асослар.

4. **Ахлоқий тамойиллар** – давлат ва солиқ тўловчилар ҳамкорликда ўсишга эришишининг солиқ ҳолатини жорий этишда ахлоқий ва вазиятли омиллар мутаносиблигини таъминлашга қаратилган тадбирлар.

Мазкур кўрсатиб ўтилган тамойиллар билан бирга, бизнинг фикримизча, солиқ тушумларини прогноз қилиш самарадорлигини оширишга ҳамда солиқ тўловчилар томонидан солиқ тўлаш мажбурияти коидаларига оғишмай риоя қилинишини таъминлашга имкон берувчи икки муҳим ташкилий тамойил кўрсатилмай қолган:

1) **«Бюджет учун таҳмин қила олишлик»** тамойили – ҳар қандай янги киритилаётган солиқ учун бюджет тизими бўғинида аниқ ҳисоблай олиш имконининг мавжудлиги. Мазкур тамойил шуни англатадики, янги киритилаётган солиқ солиқ ставкалари даражаси, имтиёзлар миқдори ва тўланиш тартибига боғлиқ солиқ тушуми/солиқдан қарздорлик нисбатини баҳолашдаги эҳтимолликни камайтириши лозим;

2) **«Солиқнинг сўзсиз тўланувчанлиги»** тамойили – ҳар бир янги киритилаётган солиқни шундай аниқлаш лозимки, бунинг натижасида уни тўлашдан бўйин товлашнинг ҳар қандай имкониятлари максимал даражада камайсин. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу тамойил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддаси “фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар” ни, амалдаги солиқ Кодексининг 5-6-моддаларидаги “солиқ қонунларини ижро этишнинг мажбурийлиги”, “солиқ қонунчилигининг аниқ ифодаланганлиги (зид эмаслиги)” каби ҳуқуқ тамойилларини бекор қилмайди. Шу билан бирга янги киритилаётган солиқни шундай ифодалаш лозимки, у солиқ тўловчига уни бир қанча вариантларда (яъни, ҳисоблашдаги аниқлик етишмаслиги) талқин этиш имконини бермасин.

Солиққа тортишнинг таклиф этилаётган ушбу икки тамойили, бизнинг фикримизча, солиқ тушумларини прогнозлаш жараёнини енгиллаштиради ва ҳар бир солиқ тўловчи томонидан солиқларни тўлаш мажбуриятига сўзсиз риоя этилишига имкон беради.

Давлат иқтисодий ҳавфсизлиги ва корпоратив солиқларни мукамаллаштириш вазифаларини мувофиқлаштириш мақсадларига оид солиқ сиёсати моделларининг янги турларининг мантиқий асослари сўнгги йиллардаги нашрларда жуда кенг тарқалган. Буларга *корпоратив, самарали, агрессив солиқ сиёсати* [8], *мослашувчан солиқ сиёсати* [9], *оптимал солиқ сиёсати* [10] ва бошқалар киради.

Тадқиқот методологияси

Мазкур мақолада мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг текин олинган мол-мулк (хизматлар)га солиқ солиш масаласига бағишланган илмий асарлари ўрганилган. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотларининг таҳлилида статистик маълумотларни гуруҳлаш, солиштира таҳлил, танлама кузатув усулларидан фойдаланилди. Тадқиқот методологияси сифатида адабиётлар қиёсий таҳлили, мантиқий ва таркибий таҳлил қилиш, гуруҳлаштириш ва қиёсий таққослаш усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Маълумки, текинга олинган мулк (кўрсатилган хизматлар) корхоналар учун айланма маблағларини тўлдириш вариантларидан бири бўлиши мумкин. Кундалик амалиётда ҳамкорликда фаолият юритаётган бизнес-шерикларнинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни (асосий воситалар, материаллар, товарлар) бир-бирларига текинга бериши, шунингдек, бепул хизматлар кўрсатишлари ҳолатларини кузатиш мумкин.

Шу боис, амалда юзага келган ҳолат, зарурият юзасидан текинга олинган мол-мулк (хизматлар)га солиқ солиш масалаларининг ҳуқуқий асослари ва амалий муаммоларига ёндашувда икки муҳим жиҳатга: давлат иқтисодий ҳавфсизлиги ва корпоратив солиқларни мукамаллаштириш вазифаларини мувофиқлаштириш ҳамда хуфёна иқтисодиётни қисқартиришнинг солиқ дастаклари аҳамиятини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Текинга олинган мол-мулк (хизматлар)га солиқ солиш масалалари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 299-моддасида белгилаб берилган: “...солиқ тўловчи томонидан текин олинган мол-мулк ва (ёки) хизматлар *солиқ тўловчининг даромади* деб эътироф этилади” ва фойда солиғининг солиқ базасини аниқлашдаги жами даромад таркибида ҳисобга олинади.

Мол-мулкни (хизматларни) текин асосда олиш чоғида олувчи шахснинг даромадлари, ...ушбу мол-мулкнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Текин олинган мол-мулкнинг (хизматларнинг) бозор қиймати ҳужжат билан тасдиқланиши керак. Хусусан, қуйидагилар шундай ҳужжатлар бўлиши мумкин:

- 1) юклаб жўнатишга, етказиб беришга ёки топширишга доир ҳужжатлар;
- 2) маҳсулот етказиб берувчиларнинг нархга доир маълумотлари (прайс-варақлар);
- 3) оммавий ахборот воситаларидан олинган маълумотлар;
- 4) биржа хабарлари;
- 5) давлат статистика органларининг маълумотлари.

Қарз берувчига фоизли даромад тўлаш мажбуриятисиз қарз (қайтариш шarti билан молиявий ёрдам) олиш чоғида қарз олувчининг даромади қарз (қайтариш шarti билан молиявий ёрдам) олиш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Қарз берувчининг даромадини аниқлашнинг худди шундай тартиби қарз (қайтариш шarti билан молиявий ёрдам) олиш санасида ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкасидан кам бўлган фоизлар тўлаш шarti билан берилган қарзларга (қайтариш шarti билан молиявий ёрдамга) нисбатан қўлланилади”.

Солиқ тўловчи томонидан текин олинган мол-мулк ва (ёки) хизматлар *солиқ тўловчининг даромади деб эътироф этиш ва уни солиққа тортиш* Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 322-моддасида назарда тутилган солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мол-мулкни ишончли бошқарувга беришдан наф олувчи оладиган даромадларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Солиқ тўловчи томонидан текин олинган мол-мулк ва (ёки) хизматлар солиқ тўловчининг даромади деб эътироф этилмаслиги ва солиққа тортилмаслиги қуйидаги операцияларга нисбатан рухсат этилган:

1) банклараро операцияларга ва кредит ташкилотлари томонидан берилган кредитларга;

2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига кўра, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан бериладиган қарзларга (ссудаларга);

3) солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг бир иштирокчиси томонидан айти шу консолидациялашган гуруҳнинг бошқа иштирокчисига бериладиган қарзларга (қайтариб бериш шarti билан молиявий ёрдамга).

Амалдаги қонунчиликка биноан бизнес-ҳамкорлар ўз ҳамкорлари учун ҳар қандай бепул хизматлар кўрсатишлари ва ишларни бажаришлари мумкин, башarti улар қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бўлса, мисол учун таъмирлаш хизматлари, қурилиш-монтаж ишлари ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 45-моддаси, 8-қисмида таъкидланишича, “Бошқа шахсларнинг эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган маҳсулотларни (моддий ёки номоддий) ишлаб чиқаришга доир тадбиркорлик фаолиятининг турлари, шунингдек бошқа шахслар учун бажариладиган ишлар солиқ солиш мақсадида хизматлар деб эътироф этилади”.

Шунга алоҳида эътибор қаратиш лозимки, текинга олинган хизматлар қиймати олувчида бухгалтерия ҳисобида ҳам, “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” (2-сонли шакл)да даромад сифатида ҳам акс эттирилмайди, бироқ уларни бепул олиш солиқ оқибатларига сабаб бўлади. Бироқ, агар хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) натижасида моддий объект - асосий восита ёки бошқа мол-мулк ҳосил бўлса, уни жорий қиймати бўйича кирим қилиш зарур [11].

Умумий тарзда, айланма маблағларни тўлдириш вариантларидан бири сифатида текинга олинган мулк (хизмат)дан фойдаланувчи корхона унинг солиқ оқибатлари ҳақида қайғуриши ва ушбу масалада қуйидагиларга қатъий эътибор қаратиши лозим деб ҳисоблаймиз:

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 267-моддаси, 1-қисми, 6-бандига кўра, текинга олинган мол-мулк (хизматлар) бўйича ҚҚС суммаси ҳисобга олинмайди, бундан олувчи улар бўйича солиқ тўлаган ҳоллар мустасно. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 266-268-моддаларига биноан, агар импорт бўйича текинга мол-мулк олинган ва божхона тўловлари таркибида ҚҚС тўланган бўлса, тўланган солиқ суммасини барча ҳисобга олиш шартларига риоя қилган тақдирда ҳисобга олиш мумкин.

2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 3-қисми, 10-бобининг 297 ва 299-моддаларига кўра, текинга олинган мол-мулк (хизматлар) қиймати бозор қиймати бўйича фойда солиғининг базасида ҳисобга олинувчи жами даромадлар таркибига киритилади. Президентнинг ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида, шунингдек Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларига мувофиқ текинга олинган мол-мулк ва хизматлар даромад сифатида ҳисобга олинмайди.

3. Юзага келган ҳолат, зарурият юзасидан текинга олинган мол-мулк (хизматлар) олувчиси айланмадан олинадиган солиқ тўловчиси бўлса, Ўзбекистон Республикаси

Солиқ кодексининг 463-моддаси, 1-қисмига кўра, текинга олинган мол-мулк (хизматлар) бозор қийматини жами даромад таркибида солиқ базасига киритишлари лозим. Мазкур ҳолатда ҳам Президентнинг ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида, шунингдек Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларига мувофиқ бепул олинган мол-мулк ва хизматлар даромад сифатида ҳисобга олинмайди.

4. Амалдаги тартибга кўра (Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 411-моддаси) мол-мулк солиғи кўчмас мулк - давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган бинолар ва иншоотлар, қурилиши тугалланмаган объектлар ва ҳ.к. бепул олинганда тўланади. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 417-моддаси, 7-қисмида белгиланган тартибга кўра, агар корхона мол-мулк соғлиғи тўловчиси бўлса, йил давомида кўчмас мулк текинга олинган тақдирда солиқ органларига мол-мулк солиғи суммаси тўғрисида аниқлаштирилган маълумотномани тақдим этиш лозим. Бунда солиқ даврининг қолган қисми учун бўнак тўловларига солиқнинг ўзгарган суммасига тенг улушларда тузатишлар киритилиши зарур.

5. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 22-моддасида белгиланганидек, текинга олинган мол-мулк (хизматлар) олувчисига “Бинога, иншоотга ёки бошқа кўчмас мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи ўтган тақдирда, ушбу объектлар билан биргаликда мазкур объектлар жойлашган ҳамда улардан фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкасига эгалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтади. Ушбу ҳолатда, амалдаги солиқ қонунчилиги (Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 427-моддаси, 2-қисми)га кўра, текинга олинган мол-мулк (хизматлар) олувчиси мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи йил мобайнида ўтган ер участкалари бўйича ер солиғини тегишли ҳуқуқ вужудга келганидан кейинги ойдан эътиборан ҳисоблаб чиқариши ва солиқ базасида йил давомида ўзгариш бўлганда бир ойлик муддат ичида солиқ органига аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 431-моддаси, 4-қисмида белгиланган тартибга кўра, қишлоқ хўжалиги экинзорларининг умумий майдонида ва таркибида ўзгаришлар юз берганда қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар бўйича аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини жорий йилнинг 1 декабрига қадар тақдим этиши лозим.

Хулоса ва таклифлар

1. Амалда юзага келган ҳолат ёки **айланма маблағларни тўлдириш вариантларидан бири сифатида фойдаланилувчи** текинга олинган мол-мулк (хизматлар)га солиқ солиш масалалари давлат иқтисодий ҳавфсизлиги ва корпоратив солиқларни мукамаллаштириш вазифаларини мувофиқлаштириш ҳамда хуфёна иқтисодиётни қисқартиришнинг солиқ дастаклари аҳамиятини оширишни инobatга олиши лозим.

2. Ўзбекистон Республикасида бизнес-ҳамкор корхоналар ўртасида текинга олинган мол-мулк (хизматлар)лардан фойдаланиш амалиётига қонун йўли билан рухсат берилган ва ундан фойдаланувчилар ушбу молиявий имкониятнинг солиқ оқибатларини албатта ҳисобга олишлари, унинг шартларига солиқ қонунчилигида белгиланганидек аниқ ва ўз вақтида риоя этишлари зарур.

3. Текинга олинган мол-мулк (хизмат)ларни солиққа тортиш масалаларида солиқ амалиётидаги мунозарали ва ҳал этилиши зарур бўлган илмий-услубий муаммолар (жумладан, текинга олинган мол-мулк (хизмат)ларни олувчи ва берувчи молиявий ҳисоботларида бирдайликни таъминлаш, қонунчилик бузилиши ҳолатларида ҳар икки томоннинг маъсулият ва жавобгарлигини таъминлаш, молиявий ёрдам, мол-мулк (хизмат)лар баҳоси аниқланишида объективликни таъминлаш ва ҳ.к.) нинг тезкор ечимини топиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича Йўл харитаси– www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Т.: 2022й. www.lex.uz
3. Новоселов К.В. Экономическая безопасность: теория и методология обеспечения в сфере бюджетно-налоговых отношений в России: монография. – Йошкар-Ола: ИПФ «СТРИНГ», 2020. – С. 27-28.
4. Кейнс Джон Мейнард. Общая теория занятости, процента и денег: избранное / вступ.статья Н.А. Макашевой. – Москва: Эксмо, 2007. – 960 с.
5. Laffer A.B. Government Exactions and Revenue Deficiencies // The Cato Journal. – 1981. –Vol. 1. – P. 1-21.
6. Энциклопедия теоретических основ налогообложения / под ред. И.А. Майбурова, Ю.Б. Иванова. – Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2016. – С. 345.
7. Налоговое администрирование: учебник для студентов вузов, обучающихся по профилям направления «Экономика» и специальностям «Налоги и налогообложение», «Экономическая безопасность» / под ред. О.А. Мироновой и Ф.Ф. Ханафеева. – 3-е изд. – Йошкар-Ола: Стринг, 2013. – С. 53.
8. Энциклопедия теоретических основ налогообложения / под ред. И.А. Майбурова, Ю.Б. Иванова. – Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2016. – С. 347-348.
9. Швецов А.В. Формирование устойчивой бюджетно-налоговой политики регионов: теория и методология: монография. – Йошкар-Ола: Стринг, 2011. – 208 с.
10. Налоги и налогообложение: учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям / под ред. Д.Г. Черника. – 5-е изд., перераб. и доп. – Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2019. – С. 22.